НАСИРОВ И.И. таҳрири остида

# ТЕХНИК ЖИҲАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШ: АМАЛИЁТ, МУАММО ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Тошкент

389
Т 44

**НАСИРОВ И.И. таҳрири остида**

# ТЕХНИК ЖИҲАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШ: АМАЛИЁТ, МУАММО ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

SDVU
Inv №
ЭР 33417

Тошкент 2021

# ТЕХНИК ЖИҲАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 11 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2009 йил 27 мартда маъқулланган

## 1-боб. Умумий қоидалар

### 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгилаш, қўллаш ва бажариш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

### 2-модда. Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисидаги қонунчилик

Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

*(2-модда Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)*

### 3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**техник жиҳатдан тартибга солиш** — маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгилаш, қўллаш ва бажариш;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

**маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлиги** — маҳсулотнинг, уни лойиҳалаш, ишлаб чиқариш, ишлатиш (ундан фойдаланиш), монтаж қилиш, созлаш, сақлаш, ташиш, реализация қилиш ва утилизация қилиш жараёнларининг, бажариладиган ишлар, кўрсатиладиган хизматларнинг ҳолати бўлиб, бунда инсоннинг ҳаётига, соғлиғига, атроф муҳитга, юридик, жисмоний шахсларнинг ва давлатнинг мол-мулкига зарар етказилиши эҳтимоли билан боғлиқ йўл қўйилмайдиган хавф мавжуд бўлмайди;

*(3-модданинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ-405-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2016 й., 17-сон, 173-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

**техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар** — техник регламентлар, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар, санитария, ветеринария, ветеринария-санитария, фитосанитария қоидалари ва нормалари, шаҳарсозлик нормалари ҳамда қоидалари, экологик нормалар ва қоидалар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа ҳужжатлар;

*(3-модданинг тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-416-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2016 й., 52-сон, 597-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

**техник регламент** — техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги, маҳсулотлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгиловчи норматив ҳужжат;

*(3-модданинг бешинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ-405-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2016 й., 17-сон, 173-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

**умумий техник регламент** — техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги, бир турдаги маҳсулотлар ва хизматлар гуруҳи хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгиловчи норматив ҳужжат;

*(3-модданинг олтинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ-405-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2016 й., 17-сон, 173-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

**махсус техник регламент** — техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги, умумий техник регламентда назарда тутилмаган маҳсулотлар ва хизматлар айрим турининг хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгиловчи норматив ҳужжат;

*(3-модданинг еттинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ-405-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2016 й., 17-сон, 173-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

**савдодаги техник тўсиқлар** — маҳсулотлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда мавжуд бўлган тафовутлари ёки ўзгаришлари оқибатида савдода юзага келадиган тўсиқлар.

*(3-модданинг саккизинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ-405-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2016 й., 17-сон, 173-модда)*

**4-модда. Техник жиҳатдан тартибга солишнинг асосий вазифалари**

Техник жиҳатдан тартибга солишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

инсон ҳаёти ва соғлиғи, юридик, жисмоний шахсларнинг ва давлатнинг мол-мулки хавфсизлигини таъминлаш;

атроф муҳит муҳофаза қилинишини, шунингдек табиий ресурслардан оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

савдодаги техник тўсиқларни бартараф этиш;

маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлиги хусусида истеъмолчиларни чалғитувчи ҳаракатларнинг олдини олиш.

**5-модда. Техник жиҳатдан тартибга солишнинг асосий принциплари**

Техник жиҳатдан тартибга солишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

техник регламентларни қўллашнинг мажбурийлиги;

техник регламентларни қўллашнинг бир хиллиги;

техник регламентларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги миллий ва халқаро норматив ҳужжатларга мувофиқлиги;

техник регламентларнинг, уларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва эълон қилиш тартиби тўғрисидаги ахборотнинг очиқлиги.

**6-модда. Техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизими**

Техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимини қуйидагилар ташкил этади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари — Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;

*(6-модданинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-597-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.12.2019 й., 03/19/597/4193-сон)*

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида ўз ваколатлари доирасида фаолиятни амалга оширувчи давлат ва хўжалик бошқаруви органлари.

## 2-боб. Давлат органларининг ва бошқа органлар ҳамда ташкилотларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари

**7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимига кирувчи органлар фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди;

техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимига кирувчи органларнинг фаолият кўрсатишини таъминлайди;

техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурларини тасдиқлайди;

умумий техник регламентларни тасдиқлайди, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритади, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

*(7-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)*

**8-модда. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги:

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан киритилган техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурларининг лойиҳалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига умумлаштирилган таклифлар киритади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг умумий ва махсус техник регламентларни ишлаб чиқишга доир фаолиятини ўз ваколати доирасида мувофиқлаштиради ҳамда ташкил этади;

умумий техник регламентларни тасдиқлаш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссиясини тузади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилган умумий ва махсус техник регламентларни ўз ваколати доирасида экспертизадан ўтказади;

ўз ваколати доирасида: хўжалик бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилган махсус техник регламентларни тасдиқлайди, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритади, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилади;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

маҳсулотлар ва хизматларнинг техник регламентларда белгиланган талабларга мувофиқлигини баҳолаш учун зарур бўлган, маҳсулотнинг намуналарини олиш, синовлари ва ўлчовлари усулларини белгиловчи техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар рўйхатини тасдиқлайди;

*(8-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ-405-сонли Қонунига асосан саккизинчи хатбоши билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2016 й., 17-сон, 173-модда)*

умумий ва махсус техник регламентларга риоя этилиши устидан ўз ваколати доирасида давлат назоратини амалга оширади;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фондини шакллантиради;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида ўз ваколати доирасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

*(8-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

**9-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари**

*(9-модданинг номи Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-597-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.12.2019 й., 03/19/597/4193-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги, маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг хавфсизлигига доир, уларда инсон ҳаёти ва соғлиғи учун зарарли бўлган моддалар, касаллик туғдирувчи организмларнинг мавжудлиги, касаллик ташувчиларнинг кириб келиши ёки тарқалишининг олдини олиш, тиббий буюмлар, тиббий техника ва дори воситаларини ишлаб чиқариш ҳамда қўллаш бўйича мажбурий талабларга тааллуқли ишларнинг бажарилишини ташкил этади ва таъминлайди.

*(9-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 13 июндаги ЎРҚ-436-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2017 й., 24-сон, 487-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги шаҳарсозлик фаолиятида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги, маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларга тааллуқли ишларнинг бажарилишини ташкил этади ва таъминлайди.

*(9-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-597-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.12.2019 й., 03/19/597/4193-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси табиий ресурслардан фойдаланишда ҳамда атроф муҳитни ифлосланиш ва бошқа зарарли таъсирлардан муҳофаза қилишда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги, маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларга тааллуқли ишларнинг бажарилишини ташкил этади ва таъминлайди.

*(9-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-446-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2017 й., 37-сон, 978-модда)*

Ушбу модданинг биринчи—учинчи қисмларида кўрсатилган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари ўз ваколати доирасида:

техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурлари лойиҳалари ва умумий техник регламентларни тасдиқлаш юзасидан Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигига таклифлар киритади;

умумий ва махсус техник регламентлар ишлаб чиқилишини амалга оширади ҳамда уларни экспертизадан ўтказади;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссияларини тузади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилган умумий ва махсус техник регламентларни экспертизадан ўтказади;

умумий техник регламентларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

махсус техник регламентларни тасдиқлайди, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритади, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилади;

умумий ва махсус техник регламентларга риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фондини шакллантиради;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

*(9-модданинг бешинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)*

**10-модда. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари**

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ўз ваколатлари доирасида:

техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурлари лойиҳалари юзасидан Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигига таклифлар киритади;

умумий ва махсус техник регламентлар ишлаб чиқилишини амалга оширади;

умумий ва махсус техник регламентларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт кенгашларини тузади;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фондини шакллантиришда иштирок этади;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

умумий ва махсус техник регламентларга риоя этилиши устидан қонунчиликда белгиланган тартибда назоратни амалга оширади.

*(10-модда биринчи қисмининг еттинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

*(10-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)*

Давлат бошқаруви органлари ўз ваколатлари доирасида махсус техник регламентларни тасдиқлайди, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритади, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

**10[1]-модда. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг ҳуқуқий экспертизаси**

Давлат бошқаруви органларининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида мажбурий тартибда ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади ва ижобий хулоса олинганидан кейин ҳисобга қўйилади, бундан умумий техник регламентлар мустасно.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳуқуқий нормалар киритилишига йўл қўйилмайди, бундан умумий техник регламентлар мустасно.

*($10^1$-модда Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 январдаги ЎРҚ-666-сонли Қонунига асосан киритилган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2021 й., 03/21/666/0032-сон)*

**11-модда. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссиялари**

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссиялари ишлаб чиқилган умумий ва махсус техник регламентларни, техник регламентларга ўзгартиш ва қўшимчаларни экспертизадан ўтказиш, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилиш бўйича таклифлар ҳамда улар юзасидан хулосалар тайёрлаш учун техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари ҳузурида тузилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссияларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

**12-модда. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт кенгашлари**

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт кенгашлари умумий ва махсус техник регламентларни, техник регламентларга ўзгартиш ва қўшимчаларни ишлаб чиқиш, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳузурида тузилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт кенгашларининг фаолияти Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

**13-модда. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фонди**

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фонди Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан ҳамда ўз ваколатлари доирасида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа ваколатли давлат органлари томонидан шакллантирилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фонди умумий ва махсус техник регламентлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари, давлат бошқаруви органлари ўзлари тасдиқлаган махсус техник регламентларни техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фондига белгиланган тартибда тақдим этади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фондини шакллантириш ва юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**14-модда. Техник регламентлар тўғрисидаги ахборот**

Амалдаги, ишлаб чиқилаётган ва қабул қилинган техник регламентлар тўғрисидаги ахборот юридик ва жисмоний шахслар эркин фойдалана оладиган бўлиши керак. Давлат сирларини ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар тарқатилмаслиги керак.

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги юридик ва жисмоний шахсларнинг сўровларига кўра:

амалдаги, ишлаб чиқилаётган ва қабул қилинган техник регламентлар тўғрисидаги маълумотларни;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

маҳсулотлар ва хизматларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолаш тартиб-таомили тўғрисидаги маълумотларни;

*(14-модда иккинчи қисмининг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ-405-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2016 й., 17-сон, 173-модда)*

Ўзбекистон Республикасининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги халқаро ташкилотларга аъзолиги ва халқаро шартномалардаги иштироки тўғрисидаги маълумотларни;

ишлаб чиқилаётган, қабул қилинган техник регламентларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

## 3-боб. Техник регламентлар

### 15-модда. Техник регламентларнинг турлари

Ўзбекистон Республикасида техник регламентларнинг қуйидаги турлари қўлланилади:

умумий техник регламентлар;

*LexUZ шарҳи*

*Қўшимча маълумот учун қаранг: Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 4 июлдаги 191-сон «Автотранспорт воситалари конструкциясининг фойдаланиш шартлари бўйича хавфсизлиги тўғрисида»ги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида» қарори, 2012 йил 4 июлдаги 192-сон «Техник жиҳатдан фойдаланишда темир йўл транспорти хавфсизлиги тўғрисида»ги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида» қарори, 2015 йил 3 июндаги 146-сон «Таълим муассасалари учун хавфсиз полиграфия маҳсулотлари ҳақидаги Умумий техник регламентни тасдиқлаш тўғрисида» қарори, 2015 йил 6 ноябрдаги 319-сон «Металлургия маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича умумий техник регламентини тасдиқлаш ҳақида» қарори, 2015 йил 11 ноябрдаги 326-сон «Сиқилган табиий газда, суюлтирилган нефть газида ёки дизель ва газсимон ёқилғи аралашмасида ишлайдиган транспорт воситаларининг хавфсизлиги тўғрисида умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида» қарори, 2016 йил 18 мартдаги 80-сон «Қишлоқ хўжалиги техникалари конструкциясининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида» қарори, 2016 йил 31 мартдаги 99-сон «Дон хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида» қарори, 2016 йил 11 майдаги 148-сон «Енгил саноат маҳсулотлари хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни ҳақида» қарори, 2016 йил 27 октябрдаги 365-сон «Дори*

*воситаларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида» қарори, 2016 йил 21 ноябрдаги 389-сон «Техник воситаларнинг электромагнит мослиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида» қарори, 2017 йил 5 январдаги 5-сон «Чарм-пойабзал маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида» қарори, 2017 йил 13 февралдаги 71-сон «Алкоголли маҳсулотларнинг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида» қарори, 2017 йил 16 февралдаги 86-сон «Шиша идишларнинг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида» қарори, 2017 йил 24 февралдаги 99-сон «Шахта кўтариш қурилмаларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида» қарори, 2017 йил 27 февралдаги 102-сон «Телекоммуникация ускуналарининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида» қарори, 2017 йил 25 апрелдаги 237-сон «Муомалага чиқарилаётган ғилдиракли транспорт воситаларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида» қарори, 2017 йил 10 майдаги 265-сон «Ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари ўқув хоналарининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида» қарори, 2017 йил 2 июндаги 345-сон «Ўқув асбоб-ускуналари ва анжомларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида» қарори, 2017 йил 24 июндаги 427-сон «Босим остида ишлайдиган ускуналарнинг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида» қарори, 2017 йил 7 июлдаги 476-сон «Озиқ-овқат маҳсулотларига тегиб турадиган қадоқларнинг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида» қарори, 2017 йил 7 июлдаги 474-сон «Сут ва сут маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида» қарори, 2017 йил 12 июлдаги 490-сон «Озиқ-овқат маҳсулотини тамғалаш юзасидан унинг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш тўғрисида» қарори, 2020 йил 17 ноябрдаги 724-сон «Ёғ-мой маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида» қарори, 2017 йил 2 октябрдаги 783-сон «Мойлаш материаллари, техник мойлар ва техник суюқликларга талаблар тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида» қарори, 2017 йил 6 октябрдаги 801-сон «Лифтларнинг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида» қарори, 2017 йил 30 октябрдаги 880-сон «Газ ҳолатидаги ёқилғида ишловчи аппаратларнинг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида» қарори, 2017 йил 11 ноябрдаги 905-сон «Ветеринария дори воситалари ва озуқа қўшимчаларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида» қарори, 2017 йил 21 ноябрдаги 931-сон «Автомобиль ва авиация бензинига, дизель ва кема ёнилғисига, реактив двигателлар учун ёнилғига ва мазутга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида» қарори, 2017 йил 24 ноябрдаги 941-сон «Портлаш хавфи бўлган муҳитларда ишловчи асбоб-ускуналарнинг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида» қарори, 2018 йил 22 январдаги 36-сон «Гўшт ва гўшт маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида» қарори.*

махсус техник регламентлар.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

**16-модда. Техник регламентларда маҳсулотлар ва хизматлар хавфсизлигини таъминлашга доир талаблар**

*(16-модданинг номи Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ-405-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2016 й., 17-сон, 173-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Техник регламентларда маҳсулотлар ва хизматлар хавфсизлигини таъминлашга доир талаблар қуйидагилар бўйича белгиланиши мумкин:

*(16-модда биринчи қисмининг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ-405-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2016 й., 17-сон, 173-модда)*

биологик хавфсизлик;

механик хавфсизлик;

кимёвий хавфсизлик;

ядровий ва радиациявий хавфсизлик;

ёнғин хавфсизлиги;

электр хавфсизлиги;

машина ва ускуналарни ишлатиш (улардан фойдаланиш) ҳамда утилизация қилиш хавфсизлиги;

электромагнит мослиги;

қурилиш ишлари хавфсизлиги;

бинолар, иншоотлардан ва уларга туташ ҳудуддан фойдаланиш хавфсизлиги;

экологик хавфсизлик;

ветеринария хавфсизлиги;

саноат ва ишлаб чиқариш хавфсизлиги;

портлаш хавфсизлиги;

ахборот хавфсизлиги;

ўлчовларнинг ва синовлар усулларининг бир хиллигини таъминлаш.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Техник регламентларда маҳсулотлар ва хизматлар хавфсизлигини таъминлашга доир бошқа талаблар ҳам белгилаб қўйилиши мумкин.

*(16-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ-405-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2016 й., 17-сон, 173-модда)*

**17-модда. Техник регламентларнинг мазмуни**

Техник регламентлар қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

маҳсулотлар ва хизматлар хавфсизлиги тавсифлари;

*(17-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ-405-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2016 й., 17-сон, 173-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

хавфсизлик талаблари белгиланаётган маҳсулотлар ва хизматларнинг тўлиқ рўйхати;

*(17-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ-405-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2016 й., 17-сон, 173-модда)*

атамаларга, ўров-идишга, тамғаларга ёки ёрлиқларга ҳамда уларни акс эттириш қоидаларига ва маҳсулотни идентификация қилишга доир талаблар;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(17-модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ-405-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2016 й., 17-сон, 173-модда)*

давлат назоратини амалга ошириш тартиби;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

маҳсулотлар ва хизматларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолаш учун зарур бўлган қоидалар.

*(17-модда биринчи қисмининг олтинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ-405-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2016 й., 17-сон, 173-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Зарарли микроорганизмлар ва қўшимчалар, касалликлар, касаллик тарқатувчилар, ифлослантирувчи моддалар, токсинлар, зараркунандалар ва бегона ўсимликлар кириб келиши ёки тарқалиши муносабати билан юзага келадиган инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига, атроф муҳитга зарар етказилиши хавфи даражаси ҳамда зарарни бартараф этиш ҳисобга олинган ҳолда техник регламентларда санитария, ветеринария, ветеринария-санитария ва фитосанитария чора-тадбирлари ҳам кўрсатилиши керак.

*(17-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-416-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2016 й., 52-сон, 597-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Санитария, ветеринария, ветеринария-санитария ва фитосанитария қоидалари ва нормаларида қуйидагилар белгиланади:

*(17-модданинг учинчи қисми биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-416-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2016 й., 52-сон, 597-модда)*

маҳсулотга, уни синаш, текшириш тартиб-таомилига, санитария-эпидемиология, ветеринария ва фитосанитария хулосасини бериш тартибига доир мажбурий талаблар;

карантин ва ветеринария-санитария қоидалари, шу жумладан ҳайвонлар ва ўсимликларни ташиш билан боғлиқ талаблар;

намуналар олиш усуллари ва тартиб-таомили, инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига, атроф муҳитга зарар етказилиши хавфини тадқиқ этиш ҳамда баҳолаш усуллари, шунингдек техник регламентларда кўрсатилган бошқа талаблар.

Техник регламентларда маҳсулотнинг конструкциясига ва бажарилишига доир талаблар бўлмаслиги лозим, инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилиши хавфи даражаси ҳисобга олинган ҳолда маҳсулотнинг конструкциясига ва бажарилишига доир талаблар йўқлиги сабабли маҳсулот хавфсизлиги таъминланмаслиги ҳоллари бундан мустасно.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Маҳсулотлар ва хизматлардан узоқ муддат фойдаланилиши оқибатида ва (ёки) йўл қўйиладиган хавф даражасини аниқлаш имкониятини бермайдиган бошқа омиллар таъсири сабабли инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига, юридик, жисмоний шахсларнинг ва давлатнинг мол-мулкига зарар етказадиган маҳсулотлар ва хизматларга доир талаблар техник регламентларда бўлмаслиги керак. Бунда техник регламентларда эҳтимол тутилган зарар тўғрисида ҳамда инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига, атроф муҳитга зарар етказилиши хавфи қайси омилларга боғлиқ бўлса, шу омиллар ҳақида истеъмолчиларни хабардор қилишга доир талаблар бўлиши мумкин.

*(17-модданинг бешинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ-405-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2016 й., 17-сон, 173-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Техник регламентларда маҳсулотлар ва хизматлар хавфсизлигига доир қуйидаги махсус талаблар бўлиши мумкин:

*(17-модда олтинчи қисмининг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ-405-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2016 й., 17-сон, 173-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

қонунчиликда белгиланган айрим тоифадаги фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи муҳофаза қилинишини таъминлайдиган махсус талаблар;

*(17-модда олтинчи қисмининг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)*

техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига, атроф муҳитга, юридик, жисмоний шахсларнинг ва давлатнинг мол-мулкига таҳдид солувчи трансчегаравий хавфли ишлаб чиқариш объектларига оид махсус талаблар.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Давлат сирларидан ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирдан иборат бўлган маълумотларни ўз ичига олган техник регламентлар қонунчиликда белгиланган тартибда ишлаб чиқилади ва қабул қилинади.

*(17-модданинг еттинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)*

Техник регламентлар тугал бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида тўғридан-тўғри амал қилади ҳамда уларга фақат белгиланган тартибда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш йўли билан ўзгартирилиши мумкин.

**18-модда. Техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурларини шакллантириш**

Техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурларини шакллантириш техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа ваколатли давлат органларининг ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ўз ваколатлари доирасидаги таклифлари инобатга олинган ҳолда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан амалга оширилади.

Техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади ва белгиланган тартибда эълон қилинади.

**19-модда. Техник регламентларни ишлаб чиқиш тартиби**

Техник регламентлар техник регламентларни ишлаб чиқишнинг тасдиқланадиган дастурларига мувофиқ ишлаб чиқилади.

Техник регламентларни ишлаб чиқувчилар белгиланган тартибда:

техник регламентлар ишлаб чиқилиши ҳақидаги хабарларни эълон қилади;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

техник жиҳатдан тартибга солиниши лозим бўлган маҳсулотлар ва хизматларнинг гуруҳлари ҳамда турларини белгилайди;

*(19-модда иккинчи қисмининг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ-405-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2016 й., 17-сон, 173-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

маҳсулотлар ва хизматларнинг техник регламентларда белгиланадиган талабларга мувофиқлигини баҳолаш усулларини белгилайди;

*(19-модда иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ-405-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2016 й., 17-сон, 173-модда)*

ишлаб чиқилган техник регламентларни келишиб олади;

ишлаб чиқилган техник регламентлардан фойдаланиш эркинлигини таъминлайди.

Техник регламентларни ишлаб чиқувчилар ишлаб чиқилган техник регламентлар расмий эълон қилинган кундан эътиборан икки ой ичида уларнинг муҳокама қилинишини таъминлайди.

**20-модда. Техник регламентларни қабул қилиш тартиби**

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилган умумий техник регламентлар экспертизадан ўтказиш учун техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органларига улар фаолиятининг йўналиши бўйича топширилади.

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги тегишли эксперт комиссиясининг хулосаси олинганидан кейин умумий техник регламентларни тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда юборади.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилган махсус техник регламентлар экспертизадан ўтказиш учун техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органларига улар фаолиятининг йўналиши бўйича топширилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари, давлат бошқаруви органлари ўз фаолиятининг йўналишлари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги тегишли эксперт комиссиясининг хулосаси асосида махсус техник регламентларни тасдиқлайди.

Тасдиқланган умумий ва махсус техник регламентлар расмий эълон қилинган пайтдан эътиборан камида олти ой ўтгач амалга киритилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Умумий ва махсус техник регламентларни эълон қилиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

*(20-модданинг олтинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)*

**21-модда. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг техник регламентларни ишлаб чиқиш учун қўлланилиши**

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Техник регламентларни ишлаб чиқишда маҳсулотлар ва хизматларнинг хавфсизлик мезонларини белгиловчи техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги миллий ва халқаро норматив ҳужжатлардан фойдаланилади.

*(21-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ-405-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2016 й., 17-сон, 173-модда)*

Техник регламентларда далилий база сифатида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг матнлари тўлиқ ёки қисман келтирилади.

**22-модда. Техник регламентларга риоя этиш**

Техник регламентларга риоя этиш барча юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурийдир.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Техник регламентлар амалга киритилгач, стандартлаштириш бўйича уларда кўрсатилган маҳсулотлар ва хизматларга доир илгари қабул қилинган тегишли норматив ҳужжатлар мажбурийлик хусусиятини йўқотади ҳамда белгиланган тартибда қўлланилишда ихтиёрийлик касб этади.

*(22-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ-405-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2016 й., 17-сон, 173-модда)*

**23-модда. Техник регламентларга риоя этилиши устидан давлат назорати**

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Техник регламентларга риоя этилиши устидан давлат назорати техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органларининг ва давлат бошқаруви органларининг мансабдор шахслари томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

*(23-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)*

## 4-боб. Якунловчи қоидалар

**24-модда. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ишларни молиялаштириш**

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ишларни молиялаштириш республика бюджети ва юридик шахсларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Республика бюджети маблағлари ҳисобидан қуйидагилар молиялаштирилади:

умумий техник регламентларни ишлаб чиқиш;

умумий ва махсус техник регламентларни экспертизадан ўтказиш;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фондини юритиш;

техник регламентларга риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасининг техник жиҳатдан тартибга солиш бўйича халқаро ташкилотлардаги аъзолиги билан боғлиқ харажатлар.

**25-модда. Низоларни ҳал этиш**

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

*(25-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

**26-модда. Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик**

Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

*(26-модда Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

**27-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

*(27-модданинг номи Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**28-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

*LexUZ шарҳи*

*Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2009 йил 24 апрелдаги 82 (4745)-сонида эълон қилинган.*

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 23 апрель,
ЎРҚ-213-сон

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 17-сон, 211-модда; 2016 й., 17-сон, 173-модда, 52-сон, 597-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда, 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.12.2019 й., 03/19/597/4193-сон; 15.01.2021 й., 03/21/666/0032-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

## ТЕХНИК ЖИҲАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШ, СТАНДАРТЛАШТИРИШ, СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ВА МЕТРОЛОГИЯ ТИЗИМЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология миллий тизимини янада ривожлантириш, тадбиркорлик муҳитини тубдан яхшилаш, соғлиқни сақлаш ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳудудларда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 11 сентябрдаги ПҚ-3939-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва «Ўзстандарт» агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) 2019 йил 1 январдан қуйидагиларни назарда тутувчи тартибни ўрнатиш таклифлари маъқуллансин:

SDVU Axborot-resurs markazi
Inv. № 33417.

Халқаро лабораторияларни аккредитация қилиш ташкилоти (ILAC) ва Халқаро аккредитация қилиш форуми (IAF) тўлақонли аъзолари ҳисобланган давлатларнинг сертификатлаштириш органлари томонидан берилган мувофиқлик сертификатлари ёки синов баённомалари тақдим этилганда, устав капиталида давлат улуши 50 фоиздан кўп миқдорда бўлмаган тадбиркорлик субъектлари (эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари бундан мустасно) ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кирадиган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ихтисослашган ва қишлоқ хўжалиги техникаси, технологик ускуналар ва уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари, шунингдек, мажбурий сертификатланиши лозим бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ноозиқ-овқат хом ашё, материаллар ва буюмлар мажбурий сертификатлаштиришдан озод қилинади;

тадбиркорлик субъектлари томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кириладиган ўлчаш воситаларига мувофиқлик сертификатини тақдим этмаган ҳолда, уни божхона ҳужжатлари расмийлаштирилган кундан бошлаб икки ой давомида ўрнатилган тартибда олиш шарти билан божхона ҳужжатларини расмийлаштиришга йўл қўйилади;

Миллий ўлчаш эталонлари ва миллий метрология институтлари томонидан бериладиган калибрлаш ва ўлчаш сертификатларини ўзаро тан олиш тўғрисидаги келишувни (CIPM MRA) имзолаган мамлакатларнинг Миллий метрология органлари томонидан расмийлаштирилган амалдаги калибрлаш (ёки текшириш) сертификатлари тақдим этилганда, ўз эҳтиёжлари учун технологик жараёнларда фойдаланиладиган импорт бўйича олиб кириладиган ўлчаш воситаларини метрологик аттестациялаш (турини тасдиқлаш) соддалаштирилган тартибда, бир кун муддатда тан олиш тартиботлари йўли билан амалга оширилади.

2. Белгилаб қўйилсинки:

мазкур қарорнинг 1-бандида кўрсатилган соддалаштирилган тартибда олиб кириладиган товарларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини таъминлаш, шунингдек, уларнинг мақсадли ишлатилишига ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кирилаётган тадбиркорлик субъектларининг мансабдор шахслари масъул ҳисобланади;

мазкур қарорнинг 1-бандида кўзда тутилган соддалаштирилган тартиб, давлат божхона хизмати органларига (шу жумладан учинчи шахслар томонидан) товарлар уларни ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кираётган тадбиркорлик субъекти томонидан уларни ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун мақсадли ишлатилиши тўғрисидаги мажбуриятлари, шунингдек, ўрнатилган тартибда божхона ҳужжатлари расмийлаштирилган кундан бошлаб икки ой давомида ўлчаш воситаларини сертификатлаштириш амалга оширилиши кўзда тутилган кафолат хати тақдим этилиши шарти билан қўлланади;

давлат божхона хизмати органлари, божхона ҳужжатлари расмийлаштирилгандан сўнг уч кун муддатда мазкур қарорнинг 1-бандига мувофиқ соддалаштирилган тартибда олиб кирилган товарлар импорти тўғрисида идоралараро ахборот алмашинуви воситаси орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига ва Агентликка маълумот тақдим этади;

мазкур қарорнинг 1-бандида назарда тутилган соддалаштирилган тартибда олиб кириладиган товарлардан мақсадли фойдаланиш устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

3. Сифат менежменти тизимларини жорий этган ва миллий аккредитация тизимида аккредитация қилинган синов лабораторияларидан фойдаланадиган тадбиркорлик субъектларига, улар томонидан Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг мувофиқлигини декларациялаш йўли билан тасдиқлаш ҳуқуқи берилсин.

4. Қуйидагилар:

2019-2020 йилларда техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси» 1-иловага мувофиқ;

29 та умумий ва 13 та махсус техник регламентлар ишлаб чиқилишини кўзда тутадиган 2019 — 2021 йилларда техник регламентларни ишлаб чиқиш дастури 2-иловага мувофиқ;

уйғунлашув даражасини 47 фоизга етказишни назарда тутувчи 2019 — 2021 йилларда стандартлаштириш соҳасидаги норматив ҳужжатларни халқаро талаблар билан уйғунлаштириш мақсадли кўрсаткичлари 3-иловага мувофиқ;

синов ва ўлчаш базасини такомиллаштириш бўйича лойиҳалар рўйхати 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Қуйидагиларга шахсий жавобгарлик юклансин:

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Ариповга — «Йўл харитасида» кўзда тутилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш устидан қатъий назорат ўрнатилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.С. Отажоновга — Техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурининг ўз вақтида, тўлиқ ва самарали амалга оширилиши учун;

Агентлик бош директори Д.Н. Саттаровга — стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларнинг уйғунлашув даражасини белгиланган мақсадли кўрсаткичларга, шу жумладан 2023 йилгача 80 фоизга етказиш, Агентлик тизими ташкилотларининг самарали ишлаши, республиканинг барча ҳудудларида синов лабораторияларининг кенг тармоғини, шу жумладан хусусий синов лабораториялари мавжуд бўлмаган жойларда давлат-хусусий шериклик асосида яратиш ва модернизация қилишни таъминлаш учун;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг раиси М.Б. Азимовга — чегара божхона постларида назорат тартиботларини бажаришда санитария-эпидемиология, фитосанитария ва ветеринария назорати органлари фаолиятининг самарали ва оператив мувофиқлаштирилишини таъминлаш учун.

6. Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари — мазкур қарорнинг 2-иловасида кўрсатилган техник регламентларни ишлаб чиқувчилар бир ҳафта муддатда эксперт кенгашларини шакллантирсин ва техник регламентлар ишлаб чиқиш бўйича тармоқ жадвалларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

7. Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил 1 январдан:

5-иловада келтирилган рўйхатга мувофиқ олиб кириладиган истеъмол товарларини мажбурий сертификатлаш фақат Агентлик тизимидаги сертификатлаштириш органлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Аккредитация маркази томонидан янгидан аккредитация қилинган бошқа сертификатлаштириш органлари томонидан амалга оширилади;

*Кейинги таҳрирга қаранг.*

мувофиқлик сертификатларини расмийлаштиришда такрорланувчи синовлар ўтказилиши тақиқланади ва сертификатларни беришда, идоравий бўйсунувидан қатъи назар белгиланган тартибда аккредитация қилинган лабораториялар томонидан ўтказилган синовларнинг ижобий натижалари асос қилиб олинади.

Агентлик ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Аккредитация маркази икки ой муддатда сертификатлаштириш қоидаларига риоя этилиши устидан назорат қилишнинг самарали механизмини ташкил этиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган ҳамда мунтазам янгиланадиган санитария-эпидемиология ва фитосанитария вазияти номақбул бўлган давлатларнинг рўйхатига кирувчи мамлакатлардан санитария-эпидемиология ва фитосанитария назоратидан ўтказилиши лозим бўлган маҳсулотларнинг олиб кирилиши тақиқлансин.

9. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда санитария-эпидемиология, ветеринария ва фитосанитария назорати чегара хизматларининг фаолиятини танқидий ўрганиш натижалари бўйича улар томонидан назорат функцияларининг бажарилишини такомиллаштириш, самарадорлиги ва тезкорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ техник регламентларга риоя этиш барча юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурийлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Техник регламентлар амалга киритилиши билан, мазкур техник регламентлар билан хавфсизлигига мажбурий талаблар қўйиладиган маҳсулотларни сертификатлаштириш мажбурий тусга эга бўлиши белгилансин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармаларини тугатган ҳолда, «Ўзстандарт» агентлиги қошида Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш департаменти (кейинги ўринларда — Департамент) ташкил этилсин ва унга қуйидаги асосий вазифалар юклансин:

*Кейинги таҳрирга қаранг.*

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонун бузилишларини олдини олиш ва профилактика қилишни амалга ошириш;

**техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология масалаларида тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш;**

**техник регламентлар, стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилиниши, ўлчов бирликлари ягоналиги ва ишончлилигини таъминлаш, мажбурий сертификатлаштириш қоидалари талаблари бажарилиши устидан давлат назоратини ташкил қилиш ва амалга ошириш.**

**Белгилансинки, Департамент юридик шахс ҳисобланади, унинг фаолияти устидан умумий раҳбарлик ва назорат Агентлик томонидан амалга оширилади.**

12. Агентликнинг Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти ва «Ахборот-маълумот маркази» давлат корхонаси негизида «Ўзстандарт» агентлиги ҳузуридаги Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

*Кейинги таҳрирга қаранг.*

Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институти стандартлаштириш бўйича тармоқ техник қўмиталарининг фаолиятини мувофиқлаштириш, стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларни, шу жумладан шартнома асосида хўжалик юритувчи субъектлар ва бошқа ташкилотларнинг аризалари бўйича ишлаб чиқиш ва реализация қилиш, шунингдек, техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича базавий ташкилот этиб белгилансин.

*Кейинги таҳрирга қаранг.*

Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институтининг ишчиларига Ўзбекистон Республикаси илмий-тадқиқот муассасаларининг тегишли лавозимлари бўйича ишчилар учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари қўлланилсин.

*Кейинги таҳрирга қаранг.*

**Агентлик бир ой муддатда Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.**

13. Қуйидагилар:

«Ўзстандарт» агентлигининг ташкилий тузилмаси 6-иловага мувофиқ;

*Кейинги таҳрирга қаранг.*

«Ўзстандарт» агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси 7-иловага мувофиқ;

*Кейинги таҳрирга қаранг.*

Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш департаментининг тузилмаси 8-иловага мувофиқ;

Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги инспекторлари чекланган сони 9-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган Агентлик бошқарув ходимларининг чекланган сони 153 нафар, шу жумладан марказий аппарати — 69 нафар этиб белгилансин.

*Кейинги таҳрирга қаранг.*

**14. Агентлик Бош директорига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:**

**зарурат бўлганда, бошқарув ходимларининг белгиланган штат сони доирасида Агентлик аппарати ва унинг қуйи ташкилотлари тузилмасига ўзгартиришлар киритиш;**

**молиявий имкониятлардан келиб чиқиб, ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган, қуйи ташкилотлар бошқарув ходимларининг чекланган сонини белгилаш;**

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

**вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар техник қўмиталарининг мутахассисларини, илғор лойиҳа институтлари, илмий ва таълим муассасаларининг мутахассисларини жалб этиш, шунингдек, юқори малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилиш ҳамда уларга иш ҳақини миллий валютада ёки хориждаги ҳисобварақларига ўтказган ҳолда чет эл валютасида тўлаш.**

***(14-банднинг тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июлдаги ПФ-6021-сонли Фармони таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.07.2020 й., 06/20/6021/1047-сон — 2020 йил 1 августдан кучга киради)***

ўз хизмат мажбуриятларини виждонан ва самарали бажараётган, Агентлик ва Департаментнинг юқори малакали, ташаббускор ишчиларига Агентлик қошидаги Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришни ривожлантириш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг икки баравари миқдоригача қўшимча ҳақ тўлаш.

*Кейинги таҳрирга қаранг.*

**Агентликка сифатсиз ҳамда одамлар ҳаёти, саломатлиги, юридик ва жисмоний шахслар мол-мулки, атроф-муҳит учун хавфли бўлган маҳсулотларни олиб кириш, ишлаб чиқариш ва сотиш хавфи мониторингини юритиш вазифаси юклансин.**

**15. Қуйидагилар Агентлик фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонлари этиб белгилансин:**

**Агентлик бўлинмалари томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг сифатини қониқарли баҳоловчи аризачилар, шунингдек, уларнинг хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоятлар сони;**

интерактив шаклда хизматлар кўрсатиш учун келиб тушаётган мурожаатлар сони;

қабул қилинган ва қайта кўриб чиқилган техник регламентлар ва стандартлар сони, шу жумладан халқаро талабларни инобатга олган ҳолда;

сифатсиз ва хавфли бўлган маҳсулотларни олиб кириш, ишлаб чиқариш ва сотиш хавфини мониторинги бўйича ишлар натижадорлиги;

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонун бузилишларининг олдини олиш ва профилактика қилиш бўйича ишлар натижадорлиги.

16. Агентлик бир ой муддатда қуйидагилар бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин:

идоранинг янги логотипи ва фарқлаш белгилари яратилишини кўзда тутган ҳолда имиджни яхшилаш;

кўрсатиладиган хизматлар даражасини ошириш мақсадида қуйи ташкилотлар фаолиятини баҳолаш амалиётини жорий этиш;

самарадорликни баҳолаш натижалари, шу жумладан коррупцион омилларнинг олдини олиш бўйича кўрилаётган чоралар тўғрисида оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда ахборотларни тизимли ёритиб бориш.

17. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Марказий банки, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси ва бошқа идораларнинг статистик ахборотлари мажбурий жўнатмалар реестрига киритилсин.

18. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан биргаликда 2019 йил 1 апрелга қадар техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасида қонун бузилиши учун жавобгарликнинг кучайтирилишини кўзда тутадиган қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Агентлик ва бошқа вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 сентябрга қадар халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда сифат миллий инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 28 апрелдаги ПҚ-2935-сон қарорига 10-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

21. Агентлик, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

Вазирлик ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

22. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосарлари Б.М. Мавлонов ва Э.М. Ғаниевлар зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 12 декабрь,
ПҚ-4059-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПҚ-4059-сон қарорига
1-ИЛОВА

**2019-2020 йилларда техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш бўйича**

«ЙЎЛ ХАРИТАСИ»

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш шакли | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| **I.Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрологияни ривожлантиришнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш** | | | | |
| 1. | Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тўғрисидаги низомни янги таҳрирда тасдиқлаш. | Вазирлар Маҳкамасининг қарори | 2019 йил 25 январгача | Ўзстандарт *(Саттаров)*, Молия вазирлиги *(Хайдаров)*, Иқтисодиёт вазирлиги *(Ходжаев)* |
| 2. | «Ўзстандарт» агентлиги қошидаги Техник жиҳатдан тартибга солиш, | Вазирлар Маҳкамасининг қарори | 2019 йил 25 январгача | Ўзстандарт *(Саттаров)*, Молия вазирлиги *(Хайдаров)*, Иқтисодиёт вазирлиги *(Ходжаев)* |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш департаменти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш. | | | |
| 3. | Сифатсиз ҳамда одамлар ҳаёти, саломатлиги, юридик ва жисмоний шахслар мол-мулки, атроф-муҳит учун хавфли бўлган маҳсулотларни олиб кириш, ишлаб чиқариш ва сотиш хавфи мониторингини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш. | Вазирлар Маҳкамасининг қарори | 2019 йил 1 февралгача | Ўзстандарт *(Саттаров)*,<br>Адлия вазирлиги *(Давлетов)*,<br>Савдо-саноат палатаси *(Икрамов)*, манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| 4. | Санитария-эпидемиология ва фитосанитария ҳолати номақбул бўлган ва улардан санитария-эпидемиология ва фитосанитария назоратидан ўтказиладиган маҳсулотларни олиб | Вазирлар Маҳкамасининг қарори | 2019 йил 1 апрелгача | Соғлиқни сақлаш вазирлиги *(Шадманов)*,<br>Ташқи савдо вазирлиги *(Ходжаев)*,<br>Давлат ветеринария қўмитаси *(Норкобилов)*, Ўздавкарантин *(Эргашев)*,<br>ДБҚ *(Азимов)*,<br>ЛБМА *(Ахмедхаджаев)* |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | кириш тақиқланган давлатлар рўйхатини шакллантириш ва янгилаш тартибини тасдиқлаш. | | | |
| 5. | Овқат маҳсулотлари ва дори воситаларининг яроқлилик муддатларига нисбатан қўлланиладиган чегаравий муддатларни белгилаш (ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган умумий яроқлилик муддатидан фоиз нисбатида) ва ушбу муддатлар тугаган ҳолларда уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилишига йўл қўймаслик. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари | 2019 йил 15 январгача | Соғлиқни сақлаш вазирлиги *(Шадманов)*, Ўзстандарт *(Саттаров)*, Давлат ветеринария қўмитаси *(Норкобилов)*, ДБҚ *(Азимов)* |
| 6. | Ушбу қарорнинг 1-бандида кўрсатилган соддалаштирилган тартиб қўлланилган, импорт қилинган товарлардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш | Вазирлар Маҳкамасининг қарори | 2019 йил 25 январгача | ДСҚ *(Мусаев)*, ДБҚ *(Азимов)*, Ўзстандарт *(Саттаров)*, ЛБМА *(Ахмедхаджаев)*, манфаатдор идоралар |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | механизмини жорий этиш. | | | |
| 7. | Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонун бузилиши учун жавобгарликни кучайтириш. | Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси | 2019 йил 1 апрелгача | Вазирлар Маҳкамаси *(Отажонов)*,<br>Ўзстандарт *(Саттаров)*,<br>Бош прокуратура *(Муродов)*,<br>Адлия вазирлиги *(Давлетов)*,<br>ЛБМА *(Ахмедхаджаев)* |
| 8. | Синов лабораторияларини ташкил этиш ва ишга тушириш соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисида, шунингдек, лаборатория синовларини ташкиллаштириш бўйича аутсорсинг хизматларини жорий этиш тўғрисида низомларни тасдиқлаш. | Вазирлар Маҳкамасининг қарори | 2019 йил 1 февралгача | Ўзстандарт *(Саттаров)*,<br>Молия вазирлиги *(Хайдаров)* |
| 9. | Давлат божхона хизматлари томонидан чегара божхона постларида фитосанитария, ветеринария, | Вазирлар Маҳкамасининг қарори | 2018 йил 25 декабргача | ДБҚ *(Азимов)*,<br>Соғлиқни сақлаш вазирлиги *(Шадманов)*,<br>Давлат ветеринария қўмитаси *(Норкобилов)*,<br>Ўздавкарантин *(Эргашев)*,<br>Ўзстандарт *(Саттаров)* |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | санитария-эпидемиология ва экологик назорат органлари фаолиятининг мувофиқлаштирилишини кучайтириш. | | | |
| **II. Маҳсулот мувофиқлигини баҳолаш тартиботларини такомиллаштириш учун синов базасини модернизация қилиш** | | | | |
| 10. | «Ўзстандарт» агентлигининг идоравий бўйсунувдаги ташкилотларини модернизация қилиш ва юқори аниқликдаги замонавий ўлчаш ва синаш ускуналари билан қайта жиҳозлаш. | Чора-тадбирлар дастури | 2019-2020 йиллар | Ўзстандарт *(Саттаров)*,<br>Молия вазирлиги *(Хайдаров)* |
| 11. | «Ўзстандарт» агентлигининг идоравий бўйсунувида бўлган 9 та лабораторияни халқаро даражада аккредитлаш, шу жумладан:<br><br>«Навоий ССМ» ДК (электротехника маҳсулотлари),<br>«Фарғона ССМ» ДК | Аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома | 2019 йил<br>1 сентябргача<br><br>2020 йил<br>1 декабргача | Ўзстандарт *(Саттаров)*,<br>ЛБМА қошидаги Аккредитация маркази, манфаатдор вазирлик ва идоралар |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | (озиқ-овқат маҳсулотлари);<br><br>«Чирчиқ ССМ» ДК, «Хоразм ССМ» ДК, «Навоий ССМ» ДК, «Андижон ССМ» ДК, «Қашқадарё ССМ» ДК, «Бухоро ССМ» ДК, «Самарқанд ССМ» ДК (озиқ-овқат маҳсулотлари). | | | |
| 12. | Тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилган ҳолда (шу жумладан хусусий синов лабораториялари мавжуд бўлмаган жойларда давлат-хусусий шериклик асосида), автотранспорт воситалари, шу жумладан газ-баллон ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш бўйича лабораториялар тармоғини яратиш. | Чора-тадбирлар дастури | 2019-2020 йиллар | Ўзстандарт *(Саттаров)*,<br>Давлат инвестиция қўмитаси *(Бекенов)*, ИИВ *(Бобожонов)*, Саноатгеоконтехназорат *(Гулямов)* |
| 13. | Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини синаш лабораториясини ўз | Чора-тадбирлар дастури | 2019-2020 йиллар | Ўзстандарт *(Саттаров)*,<br>Давлат инвестиция қўмитаси *(Бекенов)*, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги *(Юсупов)*, Соғлиқни сақлаш вазирлиги *(Шадманов)* |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | ичига олган тахминий 8,5млн АҚШ доллари қийматидаги «Кампус» ўқув-синов мажмуасини ташкил этиш. | | | |
| 14. | Хавфсизлик параметрлари ва электромагнит мослашувчанлик бўйича техник (маиший, тиббий, электр ва радиотехника ҳамда бошқалар) воситаларни тўла баҳолашни таъминлайдиган синов базасини ташкил этиш. | Чора-тадбирлар дастури | 2019-2020 йиллар | Ўзстандарт *(Саттаров)*,<br>Давлат инвестиция қўмитаси *(Бекенов)*, Соғлиқни сақлаш вазирлиги *(Шадманов)*,<br>Ўзавтосаноат *(Умурзаков)*, Ўзэлтехсаноат *(Абдуллаев)* |
| 15. | Санитар-эпидемиология, ветеринария, фитосанитария назорати ва маҳсулотларни сертификатлаштириш идораларини замонавий лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш учун халқаро молия институтларининг грант маблағлари ёки | Лойиҳалар паспортлари<br><br>Грант ёки имтиёзли кредит тақдим этиш бўйича келишув | 2019 йил<br><br>1 апрелгача | Давлат инвестиция қўмитаси *(Бекенов)*,<br>Соғлиқни сақлаш вазирлиги *(Шадманов)*,<br>Давлат ветеринария қўмитаси *(Норкобилов)*,<br>Ўздавкарантин *(Эргашев)*,<br>Ўзстандарт *(Саттаров)* |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | имтиёзли кредитларини жалб этиш. | | | |
| **III. Миллий стандартларнинг халқаро талаблар билан уйғунлаштирилиши даражасини янада ошириш** | | | | |
| 16. | Республикада халқаро, давлатлараро, минтақавий стандартларни ва хорижий мамлакатларнинг стандартларини қабул қилиш ва қўллаш тартибини тасдиқлаш. | Вазирлар Маҳкамасининг қарори | 2019 йил 25 январгача | Ўзстандарт *(Саттаров)*, манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| 17. | Стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ва унда улар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш натижалари бўйича масъул шахсларни мукофотлаш ва масъулияти белгилашни кўзда тутиш. | Вазирлар Маҳкамасининг қарори | 2019 йил 15 январгача | Ўзстандарт *(Саттаров)*, манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| 18. | Стандартлаштириш бўйича халқаро, ҳудудий ташкилотлар қошидаги Техник | Идоравий ҳужжатлар | 2019-2020 йиллар | Ўзстандарт *(Саттаров)*, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | қўмиталарга (ИСО, МЭК, МГС ва бошқалар) аъзо бўлиш. | | | |
| 19. | «Ҳалол» стандартлари талабларига мувофиқ маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш фаолиятини ташкил этиш юзасидан таклифлар киритиш. | Ёзма ахборотнома | 2019 йил 25 январгача | Ўзстандарт *(Саттаров)*, Дин ишлари бўйича қўмита *(Акрамов)*, ТСВ *(Ходжаев)* |
| 20. | Соҳалар ва идоралар кесимида стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларнинг халқаро талабларга уйғунлашувининг мақсадли кўрсаткичларига эришиш тармоқ жадвалларини тасдиқлаш. | Идоравий ҳужжатлар | 2019 йил 1 январгача | Ўзстандарт *(Саттаров)*, манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| **IV. Ўлчов бирликлари ягоналигини таъминлаш давлат тизимини халқаро амалиётга мувофиқ ҳолда такомиллаштириш** | | | | |
| 21. | Ўлчаш воситаларини калибрлаш тизимига босқичма-босқич ўтишни ҳисобга олган ҳолда, қиёсланиши лозим бўлган ўлчаш воситаларининг | Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат | 2019 йил 1 мартгача | Ўзстандарт *(Саттаров)*, ЛБМА *(Ахмедхаджаев)*, манфаатдор идоралар |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | янгиланган рўйхатини тасдиқлаш. | | | |
| 22. | Ўзбекистон Республикасида ўлчаш воситаларини калибрлаш тизимини ривожлантиришни асосий вазифа этиб белгилаган холда, 2023 йилгача бўлган даврда Ўлчов бирликлари ягоналигини таъминлаш миллий тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш Концепцияси лойиҳасини киритиш. | Вазирлар Маҳкамасининг қарори | 2019 йил<br>1 мартгача | Ўзстандарт *(Саттаров)*,<br>ЛБМА *(Ахмедхаджаев)*,<br>манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| 23. | Халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда «Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида»ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига | Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси | 2019 йил<br>1 апрелгача | Вазирлар Маҳкамаси,<br>Ўзстандарт *(Саттаров)*,<br>Адлия вазирлиги *(Давлетов)* |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | кўриб чиқиш учун киритиш. | | | |
| **V. Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни кенгайтириш** | | | | |
| 24. | Маҳсулотларнинг сифати тўғрисида жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳамда доимий тарзда «қайта алоқа» принципи бўйича ўрганиш натижаларини ёритиб бериш имкониятини берадиган махсус интернет-портални яратиш. | Веб-сайт ишлаб чиқиш ва фойдаланишга топшириш | 2019 йил 1 февралгача | Ўзстандарт *(Саттаров)*,<br>Давлат рақобат қўмитаси *(Шарипов)*, Ахборот технологиялари вазирлиги *(Садиков)*,<br>ССП *(Икрамов)*,<br>Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси *(Саримсаков)* |
| 25. | Сертификатлаштириш бўйича хизматлар кўрсатишнинг ҳар бир босқичида мурожаатларни кўриб чиқиш жараёнини кузатиб бориш имкониятини кўзда тутган ҳолда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали маҳсулотларнинг сертификатлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш механизмини жорий этиш. | Чора-тадбирлар комплекси | 2019 йил 1 февралгача | Ўзстандарт *(Саттаров)*,<br>Ахборот технологиялари вазирлиги *(Садиков)*,<br>ЛБМА *(Ахмедхаджаев)*,<br>Соғлиқни сақлаш вазирлиги *(Шадманов)*,<br>Давлат ветеринария қўмитаси *(Норкобилов)*,<br>Ўздавкарантин *(Эргашев)*,<br>Давлат экология қўмитаси *(Кучкаров)* |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 26. | Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида замонавий тўлов усулларини жорий этиш. | Давлат хизматларининг онлайн тўлови | 2019 йил 1сентябргача | Ўзстандарт *(Саттаров)*,<br>Ахборот технологиялари вазирлиги *(Садиков)* |
| 27. | Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида «Ўзстандарт» агентлигининг интерактив хизматларини жорий этиш. | ЯИДХПдаги интерактив хизмат | 2019 йил 1 апрелгача | Ўзстандарт *(Саттаров)*,<br>Ахборот технологиялари вазирлиги *(Садиков)* |
| 28. | Ўзбекистон Республикаси Очиқ маълумотлар порталида жойлаштириладиган, «Ўзстандарт» агентлигининг очиқ маълумотлари рўйхатини кенгайтириш. | Очиқ маълумотлар рўйхати | 2019 йил 1 сентябргача | Ўзстандарт *(Саттаров)*,<br>Ахборот технологиялари вазирлиги *(Садиков)* |

Изоҳ. Ушбу «Йўл харитаси»да кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишда ишлаб чиқилаётган ҳужжат шакли ўзгартирилиши ёки ишлаб чиқилаётган ҳужжат бошқа бандларда кўзда тутилган ҳужжатлар билан бирлаштирилиши мумкин. Иккита ва ундан ортиқ ҳужжатларнинг бирлаштирилишида тегишли бандлар бажарилиши учун белгиланган энг охирги муддат ишлаб чиқиш муддати ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПҚ-4059-сон қарорига

2-ИЛОВА

**2019 — 2021 йилларда техник регламентларни ишлаб чиқиш**

**ДАСТУРИ**

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

| Т/р | Техник регламент номи | Техник жиҳатдан тартибга солиш объектлари | Ишлаб чиқувчилар | Ёрдамчи ижрочилар | Ишлаб чиқиш муддати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | **Умумий техник регламентлар** | | | |
| 1. | Экологик хавфсизлик тўғрисида | Маҳсулот ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва утилизация қилиш бўйича фаолият | Давлат экология қўмитаси | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги | 2019 йил 30 мартгача |
| 2. | Минерал ўғитларнинг хавфсизлиги тўғрисида | Минерал ўғитлар | «Ўзкимёсаноат» АЖ | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Саноатгеоконтехназорат, Фанлар академияси, ИИВ | 2019 йил 30 сентябргача |
| 3. | Тиббий техника ва тиббиёт буюмларининг хавфсизлиги тўғрисида | Тиббиёт буюмлари, тиббий техника | Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги | Соғлиқни сақлаш вазирлиги | 2019 йил 30 сентябргача |
| 4. | Синтетик ювиш воситалари ва маиший кимё товарларининг хавфсизлиги тўғрисида | Идиш-товоқ, ойна, қаттиқ юзаларни ювиш учун тозалаш ва ювиш воситалари, сайқалловчи воситалар, кир ювиш учун қўшимча воситалар | «Ўзкимёсаноат» АЖ | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат экология қўмитаси | 2019 йил 30 сентябргача |
| 5. | Мева ва сабзавотлардан олинган шарбат маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисида | Мевали ва/ёки сабзавот шарбатлари ва нектарлар, таркибида шарбат бўлган ичимликлар, морслар, мевали ва/ёки сабзавотли пюре, концентрацияланган табиий | «Ўзбекозиқовқат-холдинг» ХК | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги | 2019 йил 30 сентябргача |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | хушбўйлантирувчи мевали ва/ёки сабзавотли моддалар, цитрус мевалар ҳужайралари, мевали ва/ёки сабзавот эти. | | | |
| 6. | Болалар ўйинчоқларининг хавфсизлиги тўғрисида | Барча турдаги болалар ўйинчоқлари | «Ўзстандарт» агентлиги | Соғлиқни сақлаш вазирлиги | 2019 йил 30 сентябргача |
| 7. | Алкоголсиз ичимликларнинг хавфсизлиги тўғрисида | Алкоголсиз, газланган, кучсиз газланган, газланмаган, алкоголсиз энергетик ичимликлар | «Ўзбекозиқовқат-холдинг» ХК | Соғлиқни сақлаш вазирлиги | 2019 йил 30 сентябргача |
| 8. | Мебель маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисида | Барча турдаги мебель маҳсулотлари | «Ўзстандарт» агентлиги | Соғлиқни сақлаш вазирлиги | 2019 йил 30 декабргача |
| 9. | Консерваланган озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисида | Консерваланган мева-сабзавотли озиқ-овқат маҳсулотлари | «Ўзбекозиқовқат-холдинг» ХК | Соғлиқни сақлаш вазирлиги | 2019 йил 30 декабргача |
| 10. | Фойдаланишга топшириладиган ҳаракатдаги темир йўл состави хавфсизлиги тўғрисида | Локомотивлар, мотор-вагонли ҳаракатдаги состав ва унинг вагонлари, локомотив тягасининг йўловчи ташувчи вагонлари, юк ташувчи вагонлар, махсус ҳаракатланувчи состав | Ўзтемирйўлназорат | «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ | 2020 йил 30 сентябргача |
| 11. | Углеводородли суюлтирилган газларнинг хавфсизлиги тўғрисида | Техник ва автомобиль пропани, техник ва автомобиль пропан-бутани, техник бутан | «Ўзбекнефтгаз» АЖ | Ўзнефтгазинспекция | 2020 йил 30 сентябргача |
| 12. | Транспорт воситалари ва қишлоқ-хўжалиги техникаси учун шиналарнинг хавфсизлиги тўғрисида | Автотранспорт воситалари, қишлоқ-хўжалиги техникаси ва юк автомобиллари учун шиналар | «Ўзкимёсаноат» АЖ | «Ўзавтосаноат» АЖ | 2020 йил 30 сентябргача |
| 13. | Озуқа бўёқлари, қўшимчалар, биологик фаол қўшимчалар, | Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда | Фанлар академияси | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, | 2020 йил 30 июнгача |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | ёрдамчи воситалар ва хушбўйлантирувчиларга қўйиладиган хавфсизлик талаблари | қўлланиладиган озуқа, биологик фаол таъм берувчи ва хушбўйлантирувчи қўшимчалар, бўёқлар ва ёрдамчи хом ашё | | «Ўзбекозиқовқатхолдинг» ХК | |
| 14. | Паст вольтли ускуналар хавфсизлиги тўғрисида | 50 — 1000 В ўзгарувчан ток ва 75 — 1500 В ўзгармас ток кучланишда ишлайдиган паст вольтли ускуна | «Ўзэлтехсаноат» АЖ | «Ўзбекэнерго» АЖ, Фанлар академияси, Қуёш энергияси халқаро институти | 2020 йил 30 декабргача |
| 15. | Парфюмерия-косметика маҳсулотлари хавфсизлиги тўғрисида | Парфюмерия-косметика маҳсулотлари | «Ўзстандарт» агентлиги | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзкимёсаноат» АЖ | 2020 йил 30 декабргача |
| 16. | Синтетик толалар хавфсизлиги тўғрисида | Синтетик тола | «Ўзкимёсаноат» АЖ | «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси | 2021 йил 30 мартгача |
| 17. | Табиий газнинг хавфсизлиги тўғрисида | Магистрал газ қувурларига узатиладиган ва улар орқали ташиладиган табиий газ | «Ўзбекнефтгаз» АЖ | Ўзнефтгазинспекция | 2021 йил 30 июлгача |
| 18. | Қурилиш комплекслари конструкциясининг хавфсизлиги тўғрисида | Яхлит қурилиш конструкциялари, қурилиш комплекслари | Қурилиш вазирлиги | «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси | 2021 йил 30 июнгача |
| 19. | Ихтисослаштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари, функционал парҳез, даволаш ва парҳез-профилактика овқатлар хавфсизлиги тўғрисида | Спорт овқатлари, ҳомиладор ва эмизикли аёллар учун маҳсулотлар, функционал, парҳез, даволаш ва парҳез-профилактика овқатланиш бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари | Соғлиқни сақлаш вазирлиги | «Ўзбекозиқовқатхолдинг» ХК | 2021 йил 30 мартгача |
| 20. | Тош, гипс ва керамикадан тайёрланган маҳсулотлар хавфсизлиги тўғрисида | Тош, гипс ва керамикадан тайёрланган маҳсулотлар | Қурилиш вазирлиги | «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси | 2021 йил 30 мартгача |
| 21. | Комбикорм маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисида | Тўлиқ рационли комбикормлар, комбикорм-концентратлар, ем | «Ўздонмаҳсулот» АЖ | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат ветеринария қўмитаси | 2021 йил 30 июлгача |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | аралашмалари, оқсил-витаминли минерал премикслар ва амидо-витаминли минерал концентратлар | | | |
| 22. | Кўмир ва уни қайта ишлаш маҳсулотларига қўйиладиган талаблар | Кўмир, кўмир маҳсулотлари | «Ўзбеккўмир» АЖ | «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ | 2021 йил 30 декабргача |
| 23. | Органик кимё маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисида | Органик кимё маҳсулотлари | «Ўзкимёсаноат» АЖ | «Ўзбекнефтгаз» АЖ | 2021 йил 30 декабргача |
| 24. | Темир-бетон, бетон конструкциялар хавфсизлигига қўйиладиган талаблар | Темир-бетон, бетон конструкциялар | Қурилиш вазирлиги | «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси | 2021 йил 30 декабргача |
| 25. | Автотранспорт воситалари учун эҳтиёт қисмлар ва буюмлар хавфсизлиги тўғрисида | Автотранспорт воситалари учун эҳтиёт қисмлар ва буюмлар | «Ўзавтосаноат» АЖ | Транспорт вазирлиги | 2021 йил 30 декабргача |
| 26. | Шахсий ҳимоя воситаларининг хавфсизлиги тўғрисида | Шахсий ҳимоя воситалари | Меҳнат вазирлиги | ФВВ, Саноатгеоконтехназорат | 2021 йил 30 декабргача |
| 27. | Бино ва иншоотларнинг хавфсизлиги тўғрисида | Бино ва иншоотлар | Қурилиш вазирлиги | ИИВ | 2021 йил 30 декабргача |
| 28. | Гигиена маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисида | Гигиена маҳсулотлари | «Ўзстандарт» агентлиги | Соғлиқни сақлаш вазирлиги | 2021 йил 30 декабргача |
| 29. | Санитар-техник маҳсулотларга қўйиладиган хавфсизлик талаблари | Санитар-техник маҳсулотлар | Қурилиш вазирлиги | «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси | 2021 йил 30 декабргача |
| **Махсус техник регламентлар** | | | | | |
| 30. | Асбестнинг хавфсизлиги тўғрисида | Асбест | Қурилиш вазирлиги | «Ўзқурилишматериаллари» АЖ | 2019 йил 30 сентябргача |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 31. | Фотоэлектр станцияларнинг хавфсизлиги тўғрисида | Фотоэлектрик станциялар | «Ўзбекэнерго» АЖ | Қуёш энергияси халқаро институти | 2020 йил 30 июнгача |
| 32. | Қовушқоқ материалларнинг хавфсизлиги тўғрисида | Қовушқоқ материаллар | Қурилиш вазирлиги | «Ўзқурилишматериаллари» АЖ | 2020 йил 30 мартгача |
| 33. | Шакар ва ундан тайёрланадиган маҳсулотлар хавфсизлиги тўғрисида | Шакар ва ундан тайёрланадиган маҳсулотлар | «Ўзбекозиқовқат-холдинг» ХК | Соғлиқни сақлаш вазирлиги | 2019 йил 30 сентябргача |
| 34. | Қуритилган мевалар, сабзавотлар ва уларни қайта ишлаш маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисида | Қуритилган мевалар, сабзавотлар ва уларни қайта ишлаш маҳсулотлари | «Ўзбекозиқовқат-холдинг» ХК | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фермерлар кенгаши | 2020 йил 30 декабргача |
| 35. | Полимерлар ва улардан олинадиган маҳсулотларнинг хавфсизлиги тўғрисида | Полимерлар ва полимер маҳсулотлар | «Ўзкимёсаноат» АЖ | «Ўзбекнефтгаз» АЖ «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси | 2021 йил 30 июнгача |
| 36. | Ўсимликларни ростловчи пестицидлар ва ўсимликларни ҳимояловчи бошқа кимёвий воситаларга қўйиладиган хавфсизлик талаблари | Ўсимликлар ўсишини ростлагичлар | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Давкимёкомиссия), Фанлар академияси | Соғлиқни сақлаш вазирлиги | 2021 йил 30 мартгача |
| 37. | Балиқ ва балиқ маҳсулотлари-нинг хавфсизлиги тўғрисида | Балиқ ва балиқ маҳсулотлари | «Ўзстандарт» агентлиги | Соғлиқни сақлаш вазирлиги | 2020 йил 30 декабргача |
| 38. | Лак-бўёқ материалларининг хавфсизлиги тўғрисида | Бўёқлар, эмаллар, лаклар | Қурилиш вазирлиги | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси | 2020 йил 30 декабргача |
| 39. | Болалар овқатларининг хавфсизлиги тўғрисида | Барча турдаги болалар овқатлари | Соғлиқни сақлаш вазирлиги | «Ўзбекозиқовқатхолдинг» ХК, Соғлиқни сақлаш вазирлиги | 2020 йил 30 декабргача |
| 40. | Янги узилган мева-сабзавот маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисида | Янги узилган мева-сабзавот маҳсулотлари | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги | «Ўзбекозиқовқатзахира» уюшмаси | 2019 йил 30 декабргача |
| 41. | Қандолат маҳсулотлари хавфсизлиги тўғрисида | Қандолат ва хамир маҳсулотлари | «Ўзбекозиқовқат-холдинг» ХК | Соғлиқни сақлаш вазирлиги | 2019 йил 30 октябргача |
| 42. | Чой ва кофенинг хавфсизлиги тўғрисида | Чой, кофе ва улардан тайёрланган маҳсулотлар | «Ўзбекозиқовқат-холдинг» ХК | Соғлиқни сақлаш вазирлиги | 2020 йил 30 мартгача |

Изоҳ: Ишлаб чиқиш пайтида техник регламентлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш объектларининг номи ўзгартирилиши мумкин.

*(2-илова Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги ПФ-6218-сонли Фармони таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.04.2021 й., 06/21/6218/0398-сон)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПҚ-4059-сон қарорига
3-ИЛОВА

**2019 — 2021 йилларда стандартлаштириш соҳасидаги норматив ҳужжатларни халқаро талаблар билан уйғунлаштириш**

МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

| **Кўрсаткич номи** | **2019 йил** | **2020 йил** | **2021 йил** |
|---|---|---|---|
| ***Уйғунлаштирилган стандартлар сони*** | ***6620*** | ***7650*** | ***10610*** |
| ***Уйғунлаштириш даражаси, %*** | ***29,3*** | ***33,9*** | ***47,0*** |
| шундан соҳалар кесимида | | | |
| **Озиқ-овқат саноати** | 775 | 775 | 775 |
| Уйғунлаштирилган стандартлар сони | 370 | 444 | 639 |
| *Уйғунлаштириш даражаси, %* | *47,8* | *57,3* | *82,5* |
| **Тўқимачилик ва чарм-пойабзал саноати** | 739 | 739 | 739 |
| Уйғунлаштирилган стандартлар сони | 288 | 346 | 498 |
| *Уйғунлаштириш даражаси, %* | *39,0* | *46,8* | *67,3* |
| **Тўқимачилик саноати** | 114 | 114 | 114 |
| Уйғунлаштирилган стандартлар сони | 32 | 37 | 48 |
| *Уйғунлаштириш даражаси, %* | *27,8* | *32,0* | *42,3* |
| **Металлургия** | 905 | 905 | 905 |
| Уйғунлаштирилган стандартлар сони | 212 | 243 | 322 |
| *Уйғунлаштириш даражаси, %* | *23,4* | *26,9* | *35,6* |
| **Қурилиш саноати** | 821 | 821 | 821 |
| Уйғунлаштирилган стандартлар сони | 186 | 242 | 408 |
| *Уйғунлаштириш даражаси, %* | *22,6* | *29,4* | *49,7* |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПҚ-4059-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Синов ва ўлчаш базасини такомиллаштириш бўйича лойиҳалар**

РЎЙХАТИ

| Т/р | Лойиҳа номи | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Молиялаш-тириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Иккиламчи дозиметрия эталонлари лабораториясини ташкил этиш (**лойиҳа қиймати — 417,1 минг АҚШ доллар**). | 1. Ўзлаштириш режа-жадвалини тасдиқлаш.<br><br>2. «Ўзстандарт» агентлиги томонидан ускуналарни харид қилишда бадал ва қисман улушларни тўлаш.<br><br>3. Лабораторияни радиация хавфсизлиги меъёрларига мувофиқ тайёрлаш.<br><br>4. Лаборатория ходимларини халқаро институтлардаги махсус курсларда ўқитиш.<br><br>5. Гамма ва рентген нурланиш махсус ускунасини ўрнатиш ва ишга тушириш. | 2018 йил 15 декабргача<br><br>2019 йил 1 январгача<br><br>2019 йил 31 августгача<br><br>2019 йил 31 ноябргача<br><br>2020 йил 31 мартгача | МАГАТЭ ва «Ўзстандарт» агентлиги махсус жамғармаси маблағлари | «Ўзстандарт» агентлиги *(Саттаров)*, «Саноатгеоконтех-назорат» *(Гулямов)*<br><br>Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси *(Бекенов)* |
| 2. | Фото-видео фиксация тизимлари техникалари ва ускуналарини ўрнатилган стандартлар ва талабларга мувофиқ ўлчаш лабораториясини ташкил этиш. | 1. Давлат-хусусий шериклик тўғрисида шартнома имзолаш. | 2019 йил 28 февралгача | «ATLAS International» (Германия) тўғридан-тўғри хорижий инвестициялари | «Ўзстандарт» агентлиги *(Саттаров)*,<br><br>ИИВ *(Бобожонов)*, |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 2. Зарур лаборатория ускуналари рўйхатини тайёрлаш.<br><br>3. Лаборатория ускуналарини улаш ва ўрнатиш.<br><br>4. Лабораторияни ўрнатилган тартибда аккредитациядан ўтказиш. | 2019 йил 31 мартгача<br><br>2019 йил 1 декабргача<br><br>2019 йил 31 декабргача | | Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги *(Садиков)*,<br><br>ЛБМА қошидаги Аккредитация маркази, инвестор |
| 3. | 2019 — 2022 йилларда Ўзбекистон Республикаси Миллий эталонлар базасини ривожлантириш. **(лойиҳа қиймати — 5808 минг АҚШ доллар)** | 1. Техник топшириқларни ишлаб чиқиш ва ваколатли органлар билан келишиш.<br><br>2. Энг юқори аниқликдаги ўлчов воситалари ва эталонларни етказиб бериш шартномаларини тузиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказиш.<br><br>3. Шартномаларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишиш.<br><br>4. Энг юқори аниқликдаги ўлчов воситалари ва эталонларни сотиб олиш учун молиялаштиришни очиш. | Ҳар йили 31 январгача<br><br>Ҳар йили 31 майгача<br><br>Ҳар йили 1 июлгача<br><br>Ҳар йили 15 июлгача | Давлат бюджети | «Ўзстандарт» агентлиги *(Саттаров)*,<br><br>Молия вазирлиги *(Хайдаров)* |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 4. | Оғирлик, босим ва ҳарорат кўрсаткичларини халқаро талабларга мувофиқ ўлчаш лабораториясини аккредитациядан ўтказиш. **(лойиҳа қиймати — 100 минг АҚШ доллар)** | 1. Кузатиш имкониятини халқаро мезонларга келтиришни таъминлаган ҳолда ўлчов воситаларини калибрлаш.<br>2. Ходимларни ISO/IEC 17025 стандарти талабларига мувофиқ ўқитиш.<br>3. Тартиб-таомил ҳужжатларини тайёрлаш ва халқаро аккредитация учун ариза бериш.<br>4. Аудит ўтказиш ва аккредитация гувоҳномасини олиш. | 2019 йил 30 апрелгача<br>2019 йил 31 майгача<br>2019 йил 30 июнгача<br>2019 йил 30 сентябргача | Ўз маблағлари | «Ўзстандарт» агентлиги *(Саттаров)* |
| 5. | 2019 — 2021 йилларда «Ўзстандарт» агентлиги тизимидаги ташкилотларни замонавий юқори аниқликдаги ўлчаш ва синаш ускуналар билан жиҳозлаш. **(лойиҳа қиймати — 3409 минг АҚШ доллар)** | 1. Ускуналар қийматини баҳолаш.<br>2. Лаборатория ускуналарини сотиб олиш ва ўрнатиш. | Ҳар йили 1 февралгача<br>2019 йил<br>2020 йил<br>2021 йил | Ўз маблағлари<br>1060 минг АҚШ долл.<br>1096 минг АҚШ долл.<br>1253 минг АҚШ долл. | «Ўзстандарт» агентлиги *(Саттаров)* |
| 6. | «РССМ» ДК ва минтақавий ССМларининг озиқ-овқат маҳсулотларини синаш лабораторияларини | 1. Халқаро талабларга мос келадиган лаборатория ускуналари рўйхатини | 2019 йил 1 апрелгача | Жаҳон банки кредити | «Ўзстандарт» агентлиги *(Саттаров)*, |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | модернизация қилиш.(лойиҳа қиймати — 11308 минг АҚШ доллар) | шакллантириш учун халқаро экспертларни жалб этиш.<br><br>2. Тендер ўтказиш.<br><br>3. Лаборатория ускуналарини етказиб бериш ва ўрнатиш.<br><br>4. Ходимларни ISO/IEC 17025 стандарти талабларига мувофиқ ўқитиш.<br><br>5. Тартиб-таомил ҳужжатларини тайёрлаш ва халқаро аккредитация учун ариза бериш.<br><br>6. Аудит ўтказиш ва аккредитация гувоҳномасини олиш. | 2019 йил 1 июлгача<br>2020 йил 1 марттача<br>2020 йил 1 апрелгача<br><br>2020 йил 1 майгача<br><br>2020 йил 1 августгача | | Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий ўзгартириш агентлиги,<br><br>Жаҳон банки |
| 7. | Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институтида озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини синаш илмий-тадқиқот лабораториясини ташкил этиш. | 1. Сотиб олинадиган лаборатория ускуналари рўйхатини шакллантириш учун халқаро экспертларни жалб этиш.<br><br>2. Лаборатория биносини | 2019 йил 1 апрелгача<br><br>2019 йил 1 августгача | Жаҳон банки кредити | «Ўзстандарт» агентлиги *(Саттаров)*,<br><br>Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий ўзгартириш агентлиги,<br><br>Жаҳон банки |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | **(лойиҳа қиймати — 9050 минг АҚШ доллар)** | реконструкция қилиш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш.<br><br>3. Лаборатория биносини реконструкция қилиш ва лаборатория ускуналарини сотиб олиш учун тендер ўтказиш.<br><br>4. Лаборатория ускуналарини етказиб бериш ва ўрнатиш.<br><br>5. Аудит ўтказиш ва аккредитация гувоҳномасини олиш. | 2019 йил 1 июлгача<br><br>2020 йил 1 марттача<br><br>2020 йил 1 августгача | | |
| 8. | Техник воситаларни электромагнит мослашувчанлик бўйича синовлардан ўтказиш лабораториясини ташкил этиш. **(лойиҳа қиймати — 3500 минг АҚШ доллар)** | 1. Лойиҳанинг техник-иқтисодий асосини ишлаб чиқиш ва уни ўрнатилган тартибда келишиш.<br><br>2. Лаборатория биносини қуриш учун салоҳиятли инвесторларни аниқлаш ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш.<br><br>3. Қурилиш ва лаборатория ускуналарини сотиб олиш учун тендер ўтказиш. | 2019 йил 1 апрелгача<br><br>2019 йил 1 сентябргача<br><br>2019 йил 1 декабргача<br><br>2020 йил 1 февралгача | Халқаро молиялаш институтлари кредит маблағларини жалб қилиш. | «Ўзстандарт» агентлиги *(Саттаров)*<br><br>Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси *(Бекенов)* |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 4. Ускуналарни етказиб бериш бўйича шартномалар тузиш. | 2020 йил 1 октябргача | | |
| | | 5. Лаборатория ускуналарини етказиб бериш ва ўрнатиш. | 2020 йил 1 октябргача | | |
| | | 6. Ходимларни ISO/IEC 17025 стандарти талабларига мувофиқ ўқитиш. | 2020 йил 1 декабргача | | |
| | | 7. Лабораторияни аккредитациядан ўтказиш. | | | |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПҚ-4059-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Мажбурий сертификатлаштирилиши 2019 йил 1 январдан бошлаб фақат «Ўзстандарт» агентлиги тизимидаги сертификатлаштириш органлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Аккредитация маркази томонидан янгидан аккредитация қилинган бошқа сертификатлаштириш органлари томонидан амалга ошириладиган, четдан олиб кириладиган истеъмол товарлари**

РЎЙХАТИ

| Т/р | Номи | ТИФ ТН коди |
|---|---|---|
| 1. | Гўшт ва озуқавий иккиламчи, шу жумладан қадоқланган гўшт маҳсулотлари | 0201 — 0210 |
| 2. | Балиқ ва қисқичбақасимонлар, моллюскалар ва бошқа сув умуртқасизлари | 0301 — 0308 (0301 11 000 0, 0301 19 000 0 дан ташқари) |
| 3. | Сут маҳсулотлари (тайёрланадиган сутдан ташқари); парранда тухумлари (инкубациялаш учун мўлжалланган тухумлардан ташқари); табиий асал; ҳайвонлардан (фақат озуқа сифатида истеъмол қилиш учун) олинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари | 0401 — 0406, 0407 00, 0408 (0408 11 200 0, 0408 19 200 0, 0408 91 200 0, 0408 99 200 0 дан ташқари), 0409 00 000 0 |

| | | |
|---|---|---|
| 4. | Сабзавотлар (уруғлик материалидан ташқари)ва баъзи ейиладиган илдизмевалар ва тугунак мевалар. | 0701 — 0712, 0714 (0709 60 910 0, 0709 60 950 0 дан ташқари) |
| 5. | Ейиладиган мевалар ва ёнғоқлар; цитруслар ёки қовунларнинг пўстлоғи ва илдизлари | 0801 — 0814 00 000 0 |
| 6. | Қаҳва, чой ва зираворлар | 0901 — 0910 |
| 7. | Шарбатлар ва ўсимлик экстрактлари; пектин моддалар, пектинатлар ва пектатлар; агар-агар ва ўсимликлардан олинадиган тури ўзгартирилган ёки тури ўзгартирилмаган қуюлтиргичлар | 1302 |
| 8. | Ҳайвон ёки ўсимликдан олинадиган ёғлар ва мойлар, уларни парчалаш маҳсулотлари, тайёрланган озуқавий ёғлар; ҳайвон ёки ўсимликдан олинадиган мумлар | 1501 — 1517 (1501 10 100 0, 1501 20 100 0, 1502 10 100 0, 1502 90 100 0, 1503 00 110 0, 1503 00 300 0, 1507 10 100 0, 1507 90 100 0, 1508 10 100 0, 1508 90 100 0, 1511 10 100 0, 1511 90 910 0, 1512 11 100 0, 1512 19 100 0, 1512 21 100 0, 1512 29 100 0, 1513 11 100 0, 1513 19 300 0, 1513 21 100 0, 1513 29 300 0 1514 11 100 0, 1514 19 100 0, 1514 91 100 0, |

| | | |
|---|---|---|
| | | 1514 99 100 0, 1515 21 100 0, 1515 29 100 0, 1515 50 110 0, 1515 50 910 0, 1515 90 210 0, 1515 90 310 0, 1515 90 400 0, 1515 90 600 0 дан ташқари), 1521 90 910 0, 1521 90 990 0 |
| 9. | Гўшт, балиқ ёки қисқичбақасимон ёхуд бошқа сув умуртқасизларидан тайёр маҳсулотлар | 1601 00 — 1605 |
| 10. | Шакар ва шакардан тайёрланган қандолат маҳсулотлари | 1701 — 1704 |
| 11. | Бошоқли дон уруғи, ун, крахмал ёки сутдан тайёр маҳсулотлар, ундан тайёрланган қандолат маҳсулотлари | 1901 — 1905 |
| 12. | Сабзавотлар, мевалар, ёнғоқлар ва ўсимликларнинг бошқа қисмларини қайта ишлашдан олинган маҳсулотлари | 2001 — 2009 |
| 13. | Алкоголли ва алкоголсиз ичимликлар ва сирка | 2201 — 2209 00 |
| 14. | Савдо тармоғи орқали аҳолига сотиш учун умумий овқатланиш корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат, ошпазлик маҳсулотлари ва яримфабрикатлар. | 0201 дан 2106 гача товар позицияларида номлаб чиқилган маҳсулотлардан тайёрланган |
| 15. | Чармдан тайёрланган маҳсулотлар | 4203 21 000 0 |
| 16. | Ёғочдан ишланган ошхона анжомлари (озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлашда ишлатиладиган) | 4419 |
| 17. | Дафтарлар, кундаликлар, расм чизиш учун альбомлар (дафтарлар) | 4820 10 500 0, 4820 20 000 0 |
| 18. | Машина ёки қўлда тўқилган трикотаж кийим-кечаклар (болалар ассортименти) | 6105, 6111, 6112, 6115 |
| 19. | Машина ёки қўлда тўқилган (трикотаждан ташқари) кийим-кечаклар (болалар ассортименти) | 6207 — 6211 |
| 20. | Пойабзал ва шунга ўхшаш маҳсулотлар (болалар ассортименти ва бокс пойабзали) (фақат тайёр пойабзал) | 6401 — 6405 |

| | | |
|---|---|---|
| 21. | Электр маиший техника, электр сув иситгичлар, лампалар ва электрон трубкалар, чўғланма лампалар (12 W дан ортиқ) | 8508 11 000 0 — 8508 60 000 0,<br><br>8509 (8509 90 000 0 дан ташқари),<br>8516 10 — 8516 80 800 0,<br>8528 (8528 41 000 0,<br>8528 51 000 0 дан ташқари),<br><br>8539 10 000 — 8539 49 000 0<br>(8539 10 000 1,<br><br>8539 21 300 1,<br><br>8539 29 300 1 дан ташқари),<br><br>8543 70 900 0 |
| 22. | Болалар ўйинчоқлари, ўйинлари | 9503 00 |

* Изоҳ: зарурат бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ушбу Рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

*Кейинги таҳрирга қаранг.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПҚ-4059-сон қарорига

6-ИЛОВА

**Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг**

ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ




* Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар (12), Қўқон, Олмалиқ, Бекобод ва Чирчиқ шаҳридаги давлат корхоналари.

*Кейинги таҳрирга қаранг.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПҚ–4059-сон қарорига
7-ИЛОВА

**Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги марказий аппаратининг**

ТУЗИЛИШИ




Бошқарув ходимларининг чекланган сони — 69 нафар.

*Кейинги таҳрирга қаранг.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПК-4059-сон қарорига
8-ИЛОВА

**«Ўзстандарт» агентлиги қошидаги Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш департаменти**

ТУЗИЛМАСИ




Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган бошқарув ходимларининг жами чекланган сони – 74 нафар.

*Кейинги таҳрирга қаранг.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПҚ-4059-сон қарорига
9-ИЛОВА

**Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги инспекторлари**

ЧЕКЛАНГАН СОНИ

*бирлик*

| Т/р | Ҳудудлар номи | Инспекторларнинг умумий чекланган сони |
|---|---|---|
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | 4 |
| 2. | Андижон вилояти | 3 |
| 3. | Бухоро вилояти | 4 |
| 4. | Жиззах вилояти | 3 |
| 5. | Қашқадарё вилояти | 4 |
| 6. | Навоий вилояти | 3 |
| 7. | Наманган вилояти | 4 |
| 8. | Самарқанд вилояти | 4 |
| 9. | Сурхондарё вилояти | 4 |
| 10. | Сирдарё вилояти | 3 |
| 11. | Фарғона вилояти | 3 |
| 12. | Хоразм вилояти | 3 |
| | **Жами:** | **42** |

*Кейинги таҳрирга қаранг.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПҚ-4059-сон қарорига
10-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 28 апрелдаги ПҚ-2935-сон қарорига киритиладиган ўзгартиришлар**

1. 5-банднинг бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2018 — 2022 йилларда «Ўзбекистон миллий метрология институти» давлат корхонаси томонидан харид қилинадиган эталонлар ва энг юқори аниқликдаги ўлчов воситалари рўйхати 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин».

2. 5-илованинг рус тилидаги матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«ПЕРЕЧЕНЬ**
**эталонов и средств измерений наивысшей точности, приобретаемых в 2018 — 2022 годах Государственным предприятием «Узбекский национальный институт метрологии»**

| № п/п | Наименование эталонов и средств измерений наивысшей точности | Диапазон измерения | Погрешность | Кол-во (к-т) | Период финанси-рования | Расчетная стоимость (тыс. долл.) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Эталон единицы абсолютного давления | 1 10-8 - 4 105 Па | 0,310-2 - 0,3 Па | 1 | 2018 г. | 160 |
| 2. | Платиновые термометры сопротивления эталонного назначения | 0 - 630,74 °C | 0,01 °C | 1 | 2018 г. | 100 |
| 3. | Эталон единицы давления | 0,007 - 7 MPa | 3 10-4 MPa | 1 | 2018 г. | 160 |
| 4. | Образцовая силоизмерительная установка | 50 - 500 кН | 0,20% | 1 | 2018 г. | 110 |
| 5. | Образцовая интерференционная установка для аттестации штриховых мер длины | до 100 мм | 1 разряд | 1 | 2018 г. | 170 |
| 6. | Эталон единицы температуры — Кельвина | - 38 — 961 °C | (0,0002 — 0,01) °C | 1. | 2019 г. | 350 |
| 7. | Эталон единицы силы света, освещенности и яркости | 1 — 5000 lx | не более ±3% | 1 | 2019 г. | 475 |
| 8. | Автоматизированная поверочная установка для расходомеров - счетчиков жидкости | 0,45 — 600 m3/h | по объему: ± 0,15% по массе: ± 0,05 % | 1 | 2019 г. | 600 |
| 9. | Образцовая установка для фотометрических измерений | 175 — 3300 nm | ±0,0003 A | 1 | 2019 г. | 260 |
| 10. | Эталонная колокольная газовая установка | до 250 m3/h | U = 0,06% (k=2) | 1 | 2020 г. | 400 |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 11. | Эталон единицы звукового давления - паскаля (Pa) в воздушной среде | 0,02 — 2 Pa | 0,03 — 0,14 dB | 1 | 2020 г. | 150 |
| 12. | Образцовая установка гидростатического взвешивания | 650 — 2000 kg/m3 | не более 0,1 kg/m3 | 1 | 2021 г. | 280 |
| 13. | Эталон сравнения постоянного и переменного тока и эталон измерения переменного напряжения в комплекте | от 600 µV<br>до 1100 V<br>от $10^{-4}$ до 30 A | 0,3 ppm | 1 комп. | 2021 г. | 280 |
| 14. | Эталон-динамометр | 20 — 2000 kN | 0,05% | 1 | 2021 г. | 90 |
| 15. | Эталон времени и частоты и с приёмниками сигналов ГЛОНАСС и GPS | 1 Hz; 1 MHz;<br>5 MHz;<br>10 MHz;<br>100 MHz;<br>2048 MHz | $1*10^{-14}$ s | 1 комп. | 2021 г. | 435 |
| 16. | Эталон единиц длины, скорости и ускорения при колебательном движении твердого тела в диапазоне частот (ГПСЭ) | от $3*10^{-1}$ Hz<br>до $1*10^{4}$ Hz | от $1,5*10^{-3}$ Hz<br>до $2,5*10^{-3}$ Hz | 1 комп. | 2021 г. | 213 |
| 17. | Эталонная калибровочная система высокоомного электрического сопротивления постоянного тока в комплекте | от $10^{-4}$<br>до $2*10^{17}$ Ω<br>до 300 A | 0,1 ppm | 1 | 2022 г. | 400 |
| 18. | Эталон единицы длины в области измерений отклонений от прямолинейности и плоскости | до 3m | Отклонение —<br>$4,3*10^{-6}$ m | 1 | 2022 г. | 225 |
| 19. | Образцовая установка для поверки средств измерений массовой концентрации аэрозолей | 0,1 — 100 mg/m3 | не более ± 10% | 1 комп. | 2022 г. | 250 |
| 20. | Образцовая установка для поверки уровнемеров всех типов | до 5 m | 0,001 m | 1 | 2022 г. | 350 |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 21. | Эталон единицы плоского угла — градуса | 0 — 360° | 0,03" | 1 | 2022 г. | 350 |
| Итого: | | | | 21 | | 5808 |

Примечание:

Стоимость эталонов и средств измерений наивысшей точности является расчетной и будет уточняться по мере разработки технических заданий и заключения договоров».

**3. 5-банднинг иккинчи — тўртинчи хатбошилари ҳамда 2 — 4 ва 4а-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.**

*(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.12.2018 й., 07/18/4059/2299-сон, 20.03.2020 й., 06/20/5971/0348-сон; 09.07.2020 й., 06/20/6021/1047-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.04.2021 й., 06/21/6218/0398-сон, 03.06.2021 й., 07/21/5133/0515-сон)*